Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 43 (5. 934) • 1986 йил 20 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

# ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА

Ишлаб чиқариш интенсивлигини оширайлик

## Шаҳар индустрияси одими

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш, 1986 йил ва ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, 1986 йил январь ойи учун белгиланган реализация ҳажми ва асосий халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш бўйича давлат планини муваффақиятли адо этдилар.

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, шаҳар индустрияси саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича ойлик планни 102,3 процент, товар маҳсулот бўйича 101,6 процент адо этди. Меҳнат унумдорлиги бўйича план 1,4 процент ортиғи билан бажарилди. Бунинг эвазига қўшимча 5.056 минг сўмлик товар маҳсулот олинди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,5 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги 1985 йилнинг январь ойига нисбатан 4,4 процент ўсди.

Шартнома мажбуриятлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш бўйича январь ойи плани 98,2 процент бажарилди.

Шаҳар индустрияси шу йилнинг январь ойида мамлакат халқ хўжалигига топшириққа қўшимча 34 километр шлангли симлар, 11 километр сигнал-блокировка симлари, иккита компрессор, 9 та электр кўприк кран, 5 та пахта териш комбайни, 2 та экскаватор, 1 та чанглагич-пуркагич, 16 тонна қоғоз, 98 мингта устки ва ички трикотаж буюмлари, 6 минг жуфт чулки-пайпоқ, 6 минг жуфт пойафзал, 574 тонна омухта ем, 65 тонна макарон, 50 тонна ўсимлик ёғи, 6 тонна маргарин ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди. 1986 йилнинг январь ойида Тошкент саноати планга қўшимча 8 миллион 262 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов райони 260 минг сўмлик, Киров райони 464 минг сўмлик, Куйбишев райони 2097 минг сўмлик, Ленин райони 1004 минг сўмлик, Октябрь райони 483 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 229 минг сўмлик, Сергели район 359 минг сўмлик, Фрунзе райони 180 минг сўмлик, Ҳамза райони 2.889 минг сўмлик, Чилонзор райони 297 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариб реализация қилди.

Қуйидагилар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда энг юксак кўрсаткичларга эришдилар:

— Ленин, Киров, Собир Раҳимов ва Фрунзе районлари;

— «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Октябрь 50 йиллиги» тикувчилик бирлашмаси, «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси;

— «Ташэлектромаш», трактор, электрон техника, асбобсозлик, «Миконд», «Промсвязь», лак-бўёқ, синтетик ювиш воситалари заводлари;

— «Ўртоқ» кондитер, кенг истеъмол буюмлари, тамаки фабрикалари;

— сут, абразив, тўқимачилик комбинатлари.

Шаҳарнинг кўпгина корхоналари шартнома мажбуриятларини амалга ошириб, муҳим халқ хўжалиги буюмларини ишлаб чиқариш ва таъминотчиларга ўз вақтида ҳамда белгиланган ассортиментда етказиб бериш бўйича январь ойи топшириғини муваффақиятли адо этдилар.

Бироқ, бир қатор корхоналар товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ойлик планни бажармадилар. Булар қаторида «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлик заводи, енгил металл конструкциялар заводи, 2-ёғочни қайта ишлаш заводи, грампластинкалар заводи каби корхоналар бор.

1985 йилда маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш бўйича социалистик мажбуриятлар қабул қилган районлардаги меҳнат коллективларининг ҳаммаси ҳам бу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминладилар деб бўлмайди. Булар қаторида Собир Раҳимов, Сергели, Фрунзе районлари бор.

Сергели ва Чилонзор районлари истеъмолчиларга буюртирилган маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини январь ойида 100 процент бажардилар. Шу билан бирга Собир Раҳимов районида бу кўрсаткич 94,9 процентни, Октябрь районида 96,2 процентни, Куйбишев районида 97,5 процентни ташкил этмоқда.

Шу кунларда шаҳарнинг ишлаб чиқариш коллективлари КПСС XXVII съездига тайёргарлик даврида, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларидан сўнг юзага келган юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятида 27-съездолди вахтасини якунлашаяпти. Ишнинг манфаатлари меҳнат шижоатини қўллаб-қувватлашни, мамлакат коммунистларининг анжуманини шонли меҳнат ютуқлари билан нишонлаб, 25 февралда икки-уч ойлик планни бажаришга қарор қилган «Ўн саккизлар ташаббуси» издошларининг ғайрати, ижодий ташаббускорлигидан маҳорат билан фойдаланишни тақозо этади. Съездолди мусобақасига якун чиқарилганда меҳнат зарбдорларининг илғор тажрибасини чуқур ўрганиш ва кенг ёйиш лозим. Бу тажрибалар бизга янги беш йилликда ҳам қўл келади.

Ҳозир ишлаб чиқариш коллективларида Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорлари ва материаллари чуқур ўрганиляпти. Уларда партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлар олдига фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнатни интенсивлаш, ҳар бир иш жойида, ҳар бир меҳнат коллективида юксак меҳнат интизомини, чинакам тартибни, ресурсларни тежаб-тергаш муҳитини юзага келтириш бўйича, оз моддий-техник харажатлар билан план топшириқларининг бажарилишини таъминлаш бўйича жанговар вазифалар қўйди.

Тошкентликлар бу вазифаларни муваффақиятли бажаришлари, ҳар бир ишлаб чиқаришда, корхонада аниқ иш маромини юзага келтиришлари, «инсон омили» самарадорлигини оширишлари лозим. Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг бурчи КПСС XXVII съезди йилини янги меҳнат ютуқлари билан нишонлашдан иборатдир.

Пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқарувчи «Узбексельмаш» бирлашмасининг коллективи ўн иккинчи беш йилликка қадам қўяр экан ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди. 1986—1990 йилларда техника билан қайта жиҳозлаш, резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг 27,5 процент ўсиши таъминланади. Юксак унумли янги «СХС—8» сеялкаларини, тупроққа гербицидлар сочувчи «ПВГ—8» мосламаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Ҳозир завод потогидан чигит экилиши сифатини кузатиб борувчи электрон қурилмали «СХУ —4» универсал трактор сеялкалари тушириб олинмоқда. Йил бошидан бери деҳқонларга мингдан зиёд ана шундай трактор агрегатлари жўнатилди.



СУРАТДА: «Узбексельмаш» бош заводининг асосий конвейерида.

ЎзТАГ фотохроникаси.

## Беш йиллик фондига

«Главташкентстрой»га қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Борис Куок бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасида ишлаб муносиб муваффақиятни қўлга киритмоқда. Бригада коллективи съезд шарафига 1986 йил биринчи квартали топшириғини муддатидан илгари адо этиш арафасида турибди. Бундан ташқари коллектив беш йиллик фондига олти юз сўмга яқин пул ўтказди.

Бу бригадада ҳар бир қурувчи бир неча касбнинг моҳир устаси. Унда 19 киши меҳнат қилади,

Коллектив Юнусобод массивида 50 квартирали уй-жой биносининг монтажини тугаллаб иккинчи янги объектда қурилиш ишларини бошлаб юборди. Шундай қилиб бригада бу йилнинг биринчи ярмида иккита янги уй-жой биносини ҳамшаҳарларимизга армуғон этиш ниятида.

## Активликни кучайтирамиз

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ўз ишини тугатган кезлардаёқ ўз коллективим ҳузурига қайтар эканман, уларнинг сўзларини меҳнат коллективларига қандай қилиб таъсирчан шаклда тушунтирсам экан, уларни фидокорона ишлашга, ташаббускорликка ва активликка ундасам экан, деб ўйладим. Мен телефон кабеллари ишлаб чиқариш цехида техника назорати бўлимида ишлайман, кўриниб турибди-ки, маҳсулот сифати учун жон куйдириш биринчи галдаги бурчимиздир. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишларни тубдан яхшилаш, барча салбий ҳолатларга қарши жиддий кураш олиб бориш вазифаси қўйилаётган шу кунларда биз, коммунистлар бошқаларга намуна кўрсатишимиз керак. КПСС XXVII съездига саноқли кунлар қолган бир пайтда бу айниқса муҳимдир.

Хўш, биз барча резервлардан фойдаланяпмиз, дейиш мумкинми. Йўқ, албатта. Агар ишларимизни холисона, танқидий руҳда кўздан кечирсак, ҳали баъзи меҳнат коллективларида барча резервлар ишга солинмаётганини кўрамиз. Масалан, лоақал дастгоҳлардан қандай фойдаланилаётганлигини олиб кўрайлик. Агар ҳар бир машина ҳисобига сменалараро 20—30 минутдан иш вақти йўқолса, 250—300 метр кабель кам етказиб берилар экан. Ҳозир смена мастерлари ана шу ҳақда бош қотирмоқдалар. Чунки ҳеч ким четдан келиб бизга иш жараёнини жадаллаштириб бермайди. Цехларнинг коммунистлари, новатор ишчилари бу борада шахсий ташаббус кўрсатишлари керак.

Ёки бригада усулини ёйиш ва уни ривожлантириш қай аҳволда эканлигига бир назар ташлайлик. Очиғини айтганда, бизда номигагина бригада тузиш ҳоллари ҳам содир бўлган. Бироқ, бундай муҳим ишга юзаки ёндошилгани учун у кўнгилдагидек натижани бермаяпти. Демак, корхонанинг меҳнат ва иш ҳақи бўлими ходимлари, цех партия ташкилотлари меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига жиддий ёндошишлари талаб этилади. Бунда энг аввало турли участкалардаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маълумки, бригада усули ўзаро бир-бирига ёрдамни, фақат бир касбнигина эмас, бир неча касбни пухта эгаллашни ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олишни талаб этади. Ўз тармоғимиздаги илғор тажрибаларни кенг қўллашимиз керак. Ўн иккинчи беш йилликда эскирган бир қанча машиналарни юқори унумли, янги машиналар билан алмаштириш кўзда тутиляпти. Мен съезд делегати сифатида иккинчи ва бешинчи цехларнинг меҳнат коллективлари ҳузурида янги вазифалар ҳақида сўзлаб берганимда улар кўпроқ ички резервларни ишга солиш асосидагина иш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилаш мумкинлигини айтишди. Бундай резервлар эса бизда оз эмас.

**С. ХМЕЛЬНИКОВА,**
**«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-цехи хизматчиси.**

КПСС XXVII съезди делегати



## ИШЧИ ПАРВОЗИ

Бир қарашда ишлаб чиқариш топшириқларини ҳамда жамоат ишларини баббаравар кўнгилдагидек бажариш осондек туюлади...

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари Н. П. Кривошеевага қўнғироқ қилганимизда одатдагидан ғалати жавоб олдик.

— Съезд делегати ҳақида ёзмоқчисиз, шундайми! Ундай бўлса, марҳамат қилиб корхонага келинг.

— Людмила Валетова сменадан сўнг редакцияга бир кириб ўтолмайдими!

— Йўқ. Ҳозир бир дақиқа ҳам бўш вақти йўқ, — деган жавобни эшитдик.— Людмила бутунлай янгича усулда ишлаётган зарбдорларимиздан. Ҳозир у сменада унумли ишлаяпти. Бошқалар кундалик топшириқни 100— 105 процентдан адо этса, у 200 — 210 процентдан бажаряпти. Бир нарсани сизга олдиндан айтишим мумкин. У аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиққан: съезд кунларидаги иш нормаларини ҳам ҳозирдан адо этиб боряпти.

Энди ҳар қандай савол ортиқча эди.

Биз одатда илғорлар билан учрашганимизда шундай мулоҳазаларга борардик: илғор ишчининг юқори суратда иш олиб бораётганини, унинг ҳар бир дақиқаси қимматли эканини кўпдан ҳисобга олавермасдик. Очиғи, уни турли учрашувлар, суҳбатларга чалғитиб, вақтини олиш ҳоллари ҳам оз эмас эди.

Аммо Людмила Александровна Валетова бундайлардан эмас.

У билан учрашганимизда ҳам, у ишлаётган 6-цех партия ташкилотининг секретари Равиль Ашмасов билан суҳбатлашганимизда ҳам бир нарсага иқрор бўлдик: аввало Людмиланинг сўзи билан иши бир, иккинчидан, у эл ҳурматига фақат ўз ҳалол, фидокорона меҳнати эвазигагина эришяпти. Бунинг устига жамоат топшириқларини ҳам дўндириб бажаряпти.

Мана, бир лаҳза ўзингиз ўйлаб кўринг. Людмила юксак унум билан ишламоқда. Ўн уч кишидан иборат партия группасига етакчилик қилади. Корхона партия комитетининг аъзоси, шаҳар партия комитетининг аъзоси. Бу ишларнинг ҳар бири ундан жуда катта куч-ғайратни талаб этади.

— Мен кўп йиллардан буён шахсий белги билан, яъни техника назорати бўлимининг назоратисиз маҳсулот ишлаб чиқаряпман, — деб ҳикоя қилади унинг ўзи,— нормамни мунтазам икки баравардан адо этяпман. Фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаяпман.

— Людмила, сизнинг салкам 20 йилдан буён бу ерда электр монтажчи бўлиб ишлаётганингизни биламиз. Айтингчи, шогирдларингиз ҳам борми!

У ўзига ярашган табассум билан деди:

— Биласизми, шогирдсиз устани япроқ ва шохлари йўқ дарахтга ўхшатгим келади. Бошқача қилиб айтганда шогирд устозсиз, устоз эса шогирдсиз ҳақиқий камолотга етиша олмайди. Ҳозиргача 25 шогирд тайёрладим. Наташа Лапшова, Таня Попова сингари шогирдларимдан айниқса кўнглим хотиржам. Бошқалари ҳам чакки эмас. Фания Хоронова, Лариса Лохина, Карл Ким сингари электр монтажчилар фақат цехимизнинг эмас, балки корхонамизнинг ҳам яхши ишчиларидир.

— Людмила, съезд шарафига бир кун тежалган хом ашё ҳисобига ишлаб бермоқчисиз деб эшитдик.

— Ҳа, шунга аҳд қилдим. Бу ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишни талаб этадиган иш. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳозир бутун мамлакатимизда кенг миқёсда қурилиш ишлари бораяпти. Коллективимиз бир пайтлар «Уренгой—Помари—Ужгород» газ қувурига маҳсулотларни муддатидан илгари етказиб бериш ташаббуси билан чиққан эди. Бу КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган эди. Ўшанда коммунистлар, комсомол ва ёшлар газ қувури учун электрошчит мосламалари тайёрлашга катта ҳисса қўшишган эди. Бундай зарбдор қурилишлар ҳозир мамлакатимизда кўп. Шунинг учун биз ҳозирги иш суръати ва сифати билан қаноатланмаслигимиз керак. Биргина мен эмас, корхонамизнинг учта цехи коллективи съезд шарафига бир кун тежалган хом ашё билан ишлаш, ундан тушган маблағни тинчлик фондига бериш, планга қўшимча рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар учун мосламалар тайёрлаш мажбуриятини олган. Қисқаси, амалга ошириладиган ишларимиз ҳали жуда кўп!

Корхона партия комитетининг секретари Анатолий Михайлович Стражков, съезд делегати ҳақида сўраганимизда, ҳазиллашиб:

— Людмила ҳақидаги партиявий —ишлаб чиқариш характеристикасини ўзимиздан сўраб қўяқолмабсизда,—деди.—1967 йилдан бери уни яхши биламан. Кўз ўнгимда ўсиб-унди, бу қиз. Ҳақиқатан қалби олов, серғайрат электр монтажчиларимиздан! Уни фақат электр станциялар ва подстанциялар учун шчит ва пульт бошқаруви цехидагина эмас, балки бутун бирлашмамизда каттадан кичик ҳурмат қилади. Шу ерда ишлаб юриб, электр техника техникумини тугаллади. У икки марта — Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайланди. Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирланган. Айтгандай, хаёлимдан кўтарилибди, ўтган йили область электр техника саноати ишчилари ўртасидаги социалистик мусобақада эришган ютуқлари учун Тошкент область мукофотининг лауреати бўлди.

— Партия группаси ташкилотчиси сифатида қандай фикр билдирасиз!

— Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида таъкидланганидек, ҳар бир ишга партиявийчасига ёндошишни, давр билан ҳамнафас бўлишни кўпгина коммунистларимиз ундан ўрганишса яхши бўларди. Ҳа, сўз билан иш бирлиги намунасини Людмиладан ўрганишсин. коммунистларимизга қайта-қайта таъкидлаяпмиз буни. Киройи коммунист шундай бўлса-да.

**Ҳ. ИКРОМОВ.**

СУРАТДА: «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр-монтажчиси Л. Валетова.

Т. Каримов фотоси.

## «Ақлли» машина

Умумий таълим мактаблари ўқув программасига «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсининг киритилиши муносабати билан машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишга қаратилган методик тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга билим ўчоқларининг физика ва математика фан кабинетлари компьютерлар ва турли «ақлли» машиналар намуналари билан жиҳозланди.

Тошкентдаги 81-ўрта мактаб педагогик коллективи ҳам янги предметни ўқувчиларга ўргатиш борасида дастлабки тажриба орттирди. Ана шу ютуқларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида бу ерда мутахассис олимлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Педагоглар иш тажрибаси билан яқиндан танишган олимлар электрон-техника машиналари тараққиёти, ўқувчиларда компьютер саводхонлигини ошириш йўллари хусусида фикр алмашдилар. Таниқли математик олимлардан Т. Азларов, Ш. Аюпов, Ш. Ҳошимов ва бошқалар ўзлари фаолият кўрсатаётган илмий муассасаларда олиб борилаётган йирик тадқиқотлар ҳақида гапириб бердилар. Тошкент Давлат университети ҳисоблаш марказининг бошлиғи А. Усмонов эса ана шу тадқиқот ўчоғида амалга оширилган янгиликлар хусусида тўхталди.

Идеология ишлари хроникаси

## ДЕЛЕГАТЛАРНИНГ ПАРТИЯ ВЕТЕРАНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

БУГУН

**Куйбишев район партия комитетида КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегатларининг партия ветеранлари билан учрашуви бўлди.**

Бугунги учрашув мамлакатимиз коммунистларининг анжуманига бағишланди. Делегатлар кекса авлод вакилларига ўзларининг ва коллективларининг меҳнатда эришаётган ютуқлари, съездга ҳаяжонли туйғу, қандай режалар билан бораётганликлари, ўн иккинчи беш йилликда амалга ошириладиган вазифалари ҳақида сўзлаб беришди.

## ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» —Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг илғор кинематографчилари мана шу анъанавий шиор остида ўтадиган фестивалда қатнашиш учун Ўзбекистон пойтахтида тўққизинчи марта тўпланадилар. Май ойининг сўнгги ўн кунлигида Тошкентга кўпгина давлатларнинг, бир қанча халқаро ва миллий ташкилотларнинг вакиллари келиши кутилмоқда. 19 февраль куни республика Кино уйида бўлиб ўтган матбуот конференциясида шулар маълум қилинди.

Фестиваль ташкилот комитетининг вакиллари журналистлар саволларига жавоб қайтардилар. Санъаткорлар ўзларининг бутун истеъдоди, куч-ғайратини тинчликни ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдек олижаноб ишга бағишлашга интилаётганликларини уч қитъа санъат арбобларининг бўлажак анжумани янги куч билан намойиш қилиши лозимлиги таъкидланди.

Тошкентнинг фестиваль экрани инсонпарварлик юксак идеалларини қарор топтириш учун курашда қудратли қурол бўлган кинонинг зўр кучини кўп марта исботлаганлиги қайд этиб ўтилди. Бу йилги фестиваль ҳам фильмларни конкурсда намойиш этиш эмас, балки миллий кинематографчилар ютуқларининг кўриги, энг оммавий санъатни янада ривожлантиришга кўмаклашиши лозим бўлган дўстона анжуман сифатида ўтказилади. Анжуманнинг асосий принципи шундаки, унда ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди. Атоқли санъаткорлар билан бир қаторда ёш санъаткорлар ҳам ўз ишларини тақдим этадилар.

Фестивалда мамлакатимиз студияларида, Закавказье, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда сўнгги икки йил ичида яратилган фильмлар ҳам намойиш этилади. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуида анъанавий ижодий мунозара бўлиб ўтади. Халқаро Тинчлик йилига бағишланган фильмларнинг махсус программаси тайёрланмоқда, Кино бозори ишлаб туради. Кино анжумани қатнашчилари ва меҳмонлари кенг томошабинлар оммаси билан учрашиш имкониятига эга бўладилар, фестиваль фильмлари Ўзбекистон пойтахтининг энг яхши залларида намойиш этилади.

Фестиваль доирасида «Совет турмуш тарзи» мавзуида тасвирий санъат кўргазмаси биринчи марта ташкил қилинади. Тошкентдаги кинотеатрлардан бирида «Ўзбекфильм» студияси олтмиш йил мобайнида яратган фильмлар бирма-бир кўрсатилади. (ЎзТАГ).

